



# YOSHLAR OVOZI

## БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, пахта йиғим-теримининг бориши билан танишиш мақсадида Тошкент вилояти Бўка туманидаги “Валихон ота” фермер хўжалигида ташир буюрди.

Жорий йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши дехконларимизга бир қатор қийинчиликлар туғдирди. Айниқса, баҳор фаслида ёгингарчилик кам бўлгани сабабли чигит экишда кечикишлар кузатилди.

Дехконларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, гўза парваришидаги колоқликни бартараф этиш мақсадида давлатимиз томонидан фермерларга барча зарур шароитлар яратиб, қўшимча агротехник тадбирлар ўтказиш учун моддий-ресурслар зарур миқдорда ва ўз вақтида етказиб берилди.

Тошкент вилоятида бу йил 75 минг 800 гектар майдонда гўза парвариш қилиниб, айна пайтда етиштирил-

ган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани гўза парваришида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Жумладан, вилоятда фаолият кўрсатаётган лабораториялар томонидан етарли миқдорда биомасхулотлар тайёрланиб, фермер хўжалиқларига етказиб берилди. Қўсак курти ва ўргимчаккана каби зараркуналдалар ва турли касалликларга қарши кимёвий усудла курашиш илмий-амалий ёндашув асосида олиб борилди.

Туманларда ташкил қилинган механизаторлар уйлариди дала меҳнатқашлари учун қулай иш ва дам олиш шароити яратилгани гўза парваришида ганимат кунлардан унумли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз вилоятнинг бир гуруҳ илгор фермер хўжалиқлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳа-

си мутасаддилари билан мулоқотда бўлди.

Жорий йилда Бўка тумани пахтакорлари 13 минг гектарга яқин майдонда гўза парвариш қилди. Маҳаллий иқлимга мос, серҳосил гўза баравж ривожланиб, қийғос очилган.

Учрашувда пахта йиғим-терими ишларининг бориши, такрорий экин экин ҳолати, вилоят иқтисодиёти янада ривожлантириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

— Бу йилги қурғоқчилик дехконларимиз учун ҳақиқий синов бўлди, — деди Президентимиз. — Биз ҳосилни етиштириш учун уларга зарур шароитлар яратиб бердик. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда нарх икки баробар оширилди. Жумладан, Тошкент вилоятида бир килограмм пахта учун 1000 сўмдан зиёд пул тўланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ESHITDINGIZMI?

## ЎҚИТУВЧИ ЭЪТИБОРЛИ КАСБ



“U-Report” ракамли платформаси орқали тенгдошларимизнинг ўқитувчи касбига муносабатини билиш мақсадида сўров ўтказилди. Унда 1 минг 110 нафардан зиёд респондент катнашиб, 71 фоизи ўқитувчи бўлиш истагини билдирган. Аксарияти бу танловни билимини бошқалар билан баҳам кўриш ва аждолларга муносиб авлодни тарбиялаш ишига хисса қўиш истаги билан изохлаган.

Ёшларни педагогика соҳасига тортаётган мотивацион сабаблар ҳам анчайин қизик. Улар орасида мамлакатимизда ўқитувчиларга яратилган

меҳнат шароитлари ҳамда, эътибор беринг, яхши иш ҳақи санаб ўтилади.

Бошқа муҳим қайд: сўровномада иштирок этганларнинг 31 фоизи давлат мактабларида ва фақат 11 фоизи хусусий таълим масканларида ишлашни маъқул кўрган. Яна 20 фоиз сўралувчи олий таълим муассасасини танлаган.

Эслаиб ўтамиз, “U-Report” ракамли платформаси Ўзбекистон парламенти, Ёшлар иттифоқи, Халқ

таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳамкорлигида яқиндагина ишга туширилди. Умуман олганда эса, мазкур лойиҳа халқаро миқёсда кўп йиллардан бўён самарали таътиб этилмоқда. У давлат секторида мамлакат ва жамият ҳаёти учун муҳим масалалар юзасидан ёшларнинг фикру муносабатини билишга ёрдам беради.

Н.БАХОДИРОВА



Жакартадаги III Параолимп ўйинларининг қизгин баҳсларида ҳамюртларимиз спортнинг кўп турлари бўйича пешқадам эканини исботлади.

50 метрга эркин усудда сузиш беллашувида Дмитрий Хорлинг тенг келадигани топилмади. Диск улоқтиришда Элбек Султонов, узунликка сакраш бўйича Асила Мирзаёрова ҳисобида эса, биттадан бронза медали бор.

1500 метрга югуриш баҳсларида Маъруфжон Муродиллаев маррага биринчи етиб келиб, шохсупанинг юкори погонасидан жой олди. Эслатиш керак, тўрт йил муқаддам Инчонда ўтказилган Параолимп ўйинларида ҳам чемпион бўлган.

Шу билан терма жамоамиз III Параолимп ўйинларидаги иштирокини яқунлади. Умумий натижа — 77 та медаль, бешинчи ўрин.

Шерзод МАХМУДОВ

## МАДАНИЙ МАДАД РУҲЛАНТИРДИ



Бугун далаларда иш қизгин. Бободехконнинг эрта баҳордан тер тўкиб етиштирган ҳосилини ёгин-сочинга қолдирмасдан йиғиб-териб олиш ишига ҳар ким хисса қўшсам дейди. Бундай паллада халқимизга хос эзгу ишларга хайрихоҳлик фазилати янада яққолроқ намоён бўлаётгани аҳамиятли.

Республикамизнинг қайси чеккасида борманг, пахтакорларга кўмаклашайтган хашарчилар, уларни рағбатлантириб, эш-қўш бўлиб юрган юрган қатта-кичик раҳбарлари далаларга ўзгача файз бағишлаб, меҳнатқашларнинг чарчоғини олаётган иждокорларни, маданият ва санъат аҳлини учратасиз. Улар томонидан шундоқкина даланин ўзида уюштирилётган самимий мулоқотлар ва кўнгилочар дастурлар барчаннинг кайфиятини кўтарайтгани шубҳасиз.

(Давоми 2-саҳифада)



## “YOSHLAR — KELAJAGIMIZ”

### Давлат дастури ижроси

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

### РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА

- АЖРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН КРЕДИТЛАР 6283 та 725833 млн. сўм
- ШУ КўНГАЧА АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР 1937 та 228769 млн. сўм
- КўРИБ ЧИҚИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР 703 та 86554 млн. сўм
- ЯРАТИЛГАН ИШ ҲАҚИ 5880 та



# БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Бошланғичи 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам асосий мақсад халқимиз манфаати эканини, қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўша экин экилиши зарурлигини таъкидлади.

— Манфаатдорлик бўлиши учун қилинган харажатни қоплаб, фойда кўриш керак. Эртанги кунни бугундан яхши бўлиши учун ҳар бир одам ўзи харажат қилиши лозим. Бугун ким ютади — интилган ютади, меҳнат қилган ютади, — деди Шавкат Мирзиёев.

“Валихон ота” фермер хўжалигининг 72,6 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, 26 киши меҳнат қилади. Жорий йилда хўжалик ғалладан 222 миллион сўм даромад олди. 35,6 гектар майдонга экилган пахтадан 300 миллион сўмдан зиёд даромад олишни режалаштирмоқда.

Фермер хўжалигида иккиламчи экин экиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қи-

ратилмоқда. Жумладан, ғалладан бўшаган майдонга картошка, сабзавот, дуккакли ва озуқабоп экинлар экилган. Бу 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалиги даласида синондан ўтказилаётган замонавий пахта териш машинаси билан танишди. Ушбу машина пахтани тоза териши, иш унумдорлиги юқорилиги билан ажралиб туради. Кам харажат талаб қилади.

Президентимиз мулоқот сўнггида соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жалб этиш, ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш лозимлигини кайд этди.

Учрашувда фермерлар бундай очик мулоқотлар уларга куч-қувват бериб, ғайрат-шижоатини оширишни таъкидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири

# Бухорода биринчиси



Лайло ҲАЙИТОВА

Ҳамиша ва навқирон кентда “The Knowledge Academy” (“Билимлар академияси”) номли хусусий таълим муассасаси очилди. У Президентимизнинг 2017-йил 15 сентябрдаги “Ўздавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори-

га мувофиқ ташкил қилинган.

Янги мактабда куйидан то юқори синфгача таълим берилади. Инглиз тили, математика фанлари чуқурлаштириб ўргатилмоқда. Ўқув режасига ҳатто фалсафа ва психология фанлари киритилган.

Ойлик тўлов 1 миллион 300 минг сўм этиб белгиланган. Шунга яраша ўқувчилар билан индивидуал шугуланиш имкони мавжуд. Қолаверса, улар уч маҳал оқват, махсус транспорт хизмати, олисдан келувчилар эса, тураржой билан таъминланмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, дарслар нафақат ўзбек ёки инглиз, балки япон ва корейс тилларида ҳам ўтилади. Болалар кўшимча тарзда тасвирий санъат ва рақс, ментал арифметика, спорт тўғрисида шугуланиши мумкин.

Тез орада хусусий мактаб хоржий, таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилганга киришади.

# ВАТАНГА КЕРАКЛИ ИНСОН БЎЛ!

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Шу Ватанга бордир керагим!” номли лойиҳани амалга оширмоқда.

У ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган. Шу мақсадда малакали психологлар, диний идоралар вакиллари ҳамда иқтидорли ёшларнинг ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган воёга етмаганлар билан учрашувлари ташкил қилинмоқда.

— Ҳеч ким ёмон бўлиб туғилмайдими, — дейди Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходими Абдурашид Очилов. — Профилактик назоратда турган ёшлар ҳам ё билиб, ё билмай ҳуқуқбузарлик содир этган. Бунинг учун уларни ёмонликка чиқариш эмас, балки, аввало, ота-онаси, қолаверса, бутун

жамоатчилик билан тарбиявий фаолият олиб бориш зарур. Иттифок фаолларига раҳмат, ҳамкорлигини кучайтиришга ҳамда фарзандларимизни бекорчиликдан асрашга ёрдам берадиган янги ташаббусга қўл урибди.

Лойиҳада қатнашаётган йигит-қизлар учун тўрт кунлик ўқув-семинари ташкил қилинади. Шу аснода ҳар бирининг имконияти ва қобилиятлари аниқланиб, ўзи таълим олаётган ўқув юртига муайян йўналиш бўйича сардорликка тавсия қилинади. Бундан ташқари, ўқувчиларни кизиктиришга қараб касб-хунар тўғрисидаги жалб этиш режалаштирилган.



Тўмарис АБЗАМ

# Ҳайрат ва завқ ҚОРИМОҒИ

Азим Тошкент мезбонлик қилаётган VIII Халқаро замонавий санъат биеннаlesi гўзаллик шайдоларига унутилмас таассуротлар улашишда давом этмоқда

Санъат байрамнинг асосий тадбирлари пойтахт ва Бухорода бўлиб ўтди. Кўргазмалар павильонларида 27 давлат номидан иштирок этаётган 160 нафардан зиёд ижодкорнинг видеоарт, фотоарт, инсталляция, графика каби жанрлардаги ишлари намойиш этиляпти. Шунингдек, форум дастуридан ўрин олган маҳорат дарслари ҳам катта кизиктириш билан кутиб олинмоқда.

— Тошкент халқаро замонавий санъат

биеннаlesi миллатлараро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш баробарида санъат ривожига ҳам хизмат қилади, — дейди испаниялик расом Антонио Мора. — Шахсан ўзим ҳафталик доирасида жуذا кўп ижодкорлар билан фикр алмашдим. Ўзбек рангтаъсир усталарининг ишлари билан танишишга улғурдим. Очигини айтсам, жуذا ҳайратдаман!

Халқаро биеннале 14 октябрь кунини ўзинини аяқулайди.

# TASHABBUS

# ҚИЗЛАР — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

11 октябрда дунёда Халқаро қизлар кунини нишонланди. Мазкур сана муносабати билан Иттифокнинг Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтимидаги Ёшлар марказида “Ташаббускор, дўст, ҳамфикрмиз, дугонажон!” шиори остида маърифий тадбир ташкил қилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева, қолаверса, фан, санъат, маданият соҳалари вакиллари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги “Қизларжон” клуби аъзолари, Ёшлар иттифоқи фаоллари қатнашди.

Юртимизда хотин-қизларга чексиз эътиром кўрсатишмоқда. Аналик, бекалик, завжалик рутбаларини елкасига ортган гулчирий аёлларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш ҳам давлатимиз диққат-эътиборидаги масалалар. Ушбу вазифалар ижроси изчил таъминланмоқда. Тадбир давомида шулар хусусида сўз юритилди. Аввалида эса, иштирокчиларга нозик хилқат вакиллари нидо эътибори билан видео-ролик намойиш этилди.

Шундан сўнг ёшлар даврасига меҳмон сифатида таклиф этилган Ўзбекистон халқ артистлари, эл ардоғидаги санъаткор — Ўти Юсупова ҳамда Гавҳар Зокирова мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, мазкур

жараёнда навқирон авлодга катта ишонч кўрсатилаётганини алоҳида кайд этди. Хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш, муносиб ҳаёт кечириши, маънан юксалиши учун муносиб шароитлар яратиш, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, шу билан бирга, қизларнинг таълим олишига тўсик бўлаётган стереотипларни бартараф этиш юзасидан давлат сиёсати да-



РИЗАРАМТОВА

ражасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам тилга олинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари учрашув давомида юртимизда рўйбга чиқарилаётган ёшларга онд давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиди. “Қизларжон” клуби фаолияти хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

Яқинда намунали хулқи, ўқиш ва жамоат ишларидаги фаолияти учун бир гуруҳ талаба-қизлар Ёшлар иттифоқи томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Ижодкор тенгдошларимиз асарлари кўр-



# МАДАНИЙ МАДАД РУҲЛАНТИРДИ

(Бошланғичи 1-саҳифада)

Таникли шоир ва ёзувчилар, сахна усталари, тобора оммалашиб бораётган ёш ижодкорларнинг меҳнат жамоалари орасида ўз мухлисларини хар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга маданий мадад бераётгани теримчиларда катта таассурот қолдиряпти.

Ана шундай тадбирлардан бири Чортоқ туманидаги “Адолат медиа плюс” номли фермер хўжалиги пахта даласида бўлиб ўтди. Терим аснода, Пахтакорлар тушилик учун дала шийпонига йиғилар экан уларни йўқлаб келган санъат ва маданият ходимларига кўзи тушиб, бутун мавсум давомида йиғилган чарчокларини ҳам унутилди.

— Мен Абдуллаева Мохичеҳра мана шу фермер хўжалиги аъзосиман. Ҳозирги кунга келиб йиллик режани 80 фоиздан ошириб қўйдик. Хашарчиларнинг ёрдамга келганидан қувониб, янада ғайрат билан ишлашмоқчимиз. Бутун бизнинг даламизга мана шундай алоҳида ҳурматга сазовор ижодий жамоанинг келганидан, бизга совға-саломлар улашиб, дилдан мулоқот қилганидан бошимиз кўкка етди. Эътибор бераётган бўлсангиз

бу йилги мавсум, мана шундай эътибор ва ғамхўрлик боис, хар қачонгидан ҳам кўтаринки ўтгапти. Мана, мириқиб суҳбатлашдик, ўзимизни кизиктирган саволларга жавоб олдик, бихтиёр даврани тўлдириб рақсга ҳам тушдик. Раҳмат ҳаммаси учун.

— Йигитим-терим жараёнида йигирма кунда икки миллион сўмдан ортиқроқ пул ишлабман. Ҳали шижоатим суеягани йўқ. Пахта мўл. Кунлик иш ҳақимизни кунда олаётимиз. Бу зўр рағбат экан, билсангиз. Мана бундай маданий тадбирлардан эса, фақат куч-қувват олаётимиз, — дейди теримчи Сулаймонова Малика даладаги учрашувдан завқланиб.

— Пахта далаларида фермерлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ёшлар томонидан шакллантирилган отрядлар ўртасида юзага келган соғлом рақобат терим суръатини анча кучайтирди, — дейди “Адолат медиа плюс” фермер хўжалиги раҳбари С.Абдурахмонов. — Бундай пайтда қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Даромадимиздан бир қисмини теримчиларга муқофот ва рағбатлантирувчи совғалар учун ажратдик. Уларнинг сийқидилдан қилаётган меҳнатини қанча қадрласак шунча оз.

Малик СИНДОРОВ

# XOTIRA

# Қалбларда қолган чирок

Зарингор АБДУМАЛИКОВА

Пойтахтимидаги Маданият ва санъат кўргазмаси залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудига биғишланган хотира кечаси, фото ва китоблар кўргамаси ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари, ижодкор ёшлар ҳамда адабнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбир Ўткир Ҳошимов ҳақидаги фильм намойишидан бошланди. Кейин беназир истеъод соҳибининг адабиётимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритилди. Адибнинг “Пўлат чавандоз”, “Тунафша”, “Баҳор қайтмайди”, “Нур борки, соя бор”, “Дунёнинг ишлари”, “Оқ камалак”, “Икки эшик ораси”, “Қуёш торзиси”, “Изириб”, “Тушда кечган умрлар”, “Дафтар хошиясидаги битиклар” каби ўнлаб асарлари китобхоналар қалбидан чуқур жой олган бўлиб, ҳамон эъзозлаб ўқилмоқда.

— Ўткир Ҳошимовнинг бир қатор асарлари турли тилларга таржима қилинган, — дейди Маданият ва санъат кўргазмаси директори Наргиза Каримова. — Унинг бой маънавий мероси ёш авлоднинг ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ишонанаман, бугунгидек тадбирлар ўғил-қизларнинг адабиётга меҳрини оширишга хизмат қилади. Ажаб эмаски, келгусида улардан забардаст ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқса.

берди. Суд мажлиси давомида жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланиб, судланувчи А.Абдувалиева Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,97-моддаси 2-қисмининг “г” банди ва 219-моддасининг 2-қисми билан Жиноят кодекси 57-, 59-моддалари тартибда узил-кесил 10 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Суд томонидан А.Абдувалиевага жазо тайинлашда унинг айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлиги, шахси, оилавий аҳоли, қарамоғида воёга етмаган фарзандлари борлиги, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинди, жазо тайинланди.

Афсуски, бугун орамизда ўз хизмат вазифини ўтаётган МИБ ходимлари фаолиятига жиддий тўсиклилик қилиш, ҳақоратлаш, ҳатто уларга тан жароҳати етказиш каби салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди. Ваҳоланки, МИБ ходимининг қонуний фаолиятига тўсиклилик қилиш ҳамда унинг талабларини бажармаслик қонунга ҳурматсизликдир. Бувайда туманида содир этилган мазкур жиноят ҳам бундан учун сабаб бўлиши керак. Суд содир этилган жиноятнинг сабаби ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф қилиш юзасидан судланувчининг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинига хусусий ажрим чиқарди.

# JINOYATGA QARSHI KURASHISH HAQIQATI VA ADOLATI

# МИБ ходими ҳаётига суиқасд қилган фуқаро 10 йил 3 ойга қамалди

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири

Яқинда ижтимоий тармоқларда Фарғона вилояти Бувайда туманида Мажбурий ижро бюроси ходими ҳаётига суиқасд қилингани ҳақида турли хабарлар тарқалди. Уни турлича талкин қилганлар ҳам бўлди. Хўш, аслида нима бўлган эди?

Жорий йил 18 май кунини соат 16:00 ларда Мажбурий ижро бюроси бўлими давлат ижросисини А.Ахмедов Бувайда тумани Алишер Навоий кўчасидаги “Абдор Феруз савдо сервис” оилавий корхонасига фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2017 йил 5 октябрдаги даъвогар “Маҳбуба Зулфия” масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган “Янгикўрғон” автошоҳбekaтида жойлашган ер майдонига жавобгар томонидан қонунчилик қирғилган девор ва ўрнатилган металл дарвозани ўз ҳисобидан буздириш ҳақидаги қарорни юзасидан ижро

ҳаракатини амалга ошириш учун боради.

Судланувчи А.Абдувалиев МИБ ходимига фаол қаршилик кўрсатиб, дўқон ичига киритмасдан, дастлаб қўқрагидан итариб юборди, шаъни ва қадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақоратлайди. Дўқон ичидан икки дона чопқини олиб, давлат ижросисини А.Ахмедовни қасдан ўлдириш мақсадида бош қисмига бир марта уриб, жароҳат етказган. Давлат ижросисининг қонуний ижро фаолиятини амалга оширишдан воз кечишга мажбур қилган. Лекин А.Ахмедовнинг фаол қаршилиги ва шу ерда бўлган бошқа фуқаролар ҳаракати натижасида жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказо олган.

Мазкур жиноий иш жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси Д.Ҳоликназарова раислигида очик суд мажлисида кўриб чиқилди.

Судланувчи А.Абдувалиев айбига иқдор ва қилмишидан пушаймон бўлиб кўрсатма

21-OKTYABR — O'ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

## Халқимизнинг муқаддас тилсони

Шероз САИДКУЛОВ,  
Ургут агросервис касб-хунара коллежи директори

Тил — беназир тилсим. Унда инсондай мураккаб ва мухташам мавжудотнинг азалий ва абадий моҳиятига дахлдор адасиз синоатлар яширинган. Адамзоднинг ақлий ва маданий-руҳий тафаккури, мунтазам тадрижий тақомилдаги бирламчи асос тилдир.

Менлик туйғуси ҳам, қавмлик кайғуси ҳам, бинобарин, миллатнинг ўзлик идроки, яъни қавми ҳар қандай бало-қазолардан кўрмоқ сезгиси ҳам айнан тилга кўра тугилади ва яшайди. Ўзбек тили Ер юзидagi ўта қадим ва бой тиллардан биридир. Бир неча минг йиллик маданиятимиз тарихида халқимиз бадий тафаккури ва тилимиз қудратининг махсули сифатида юзага келган нафис сўз санъати дурдоналари беҳисоб. Уларнинг аксарияти асрлар оша туркий тафаккур теранлиги ва тахайюл бепеёлигининг мухташам обидалари ўлароқ жаҳон сўз ганжинисининг тўрида кўр тўкиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, ҳар қандай тил миллатнинг моҳиятини тайин қилиб, уни бирлаштиради, давлат тили айни пайтда муқаддас рамз сифатида мамлакатни ягона давлат-ўлароқ жиқлаштиради. Жон ва

### ЎЗ ОНА ТИЛИНИ УНУТИШ ЭВАЗИГА ЎРГАНИЛАДИГАН ТИЛ ЧИН ОДАМ БОЛАСИГА ФОЙДАДАН КЎРА ЗАРАРДИР.

танзим бўлган Ўзбекистонимиз байрогининг, юртда, хорижда, қаерда бўлмасин, эркин ҳилпирашдан хузурланамиз, унинг янада юксалиши учун тинимсиз ғайрат қиламиз. Давлатимиз мадҳиясини чексиз-чегарасиз ифтихор билан, юракдаги чин тантана билан куйлаймиз. Гербимизда ҳам Ўзбекистон деган жаннатмонанд юртимизнинг жамолини ва қамолини кўрамыз.

**ЧЕТДАН “КЕЛУВЧИ” СЎЗЛАРГА ТИЛИМИЗ ЭШИКЛАРИНИ ТАМОМАН ТАМБАЛАБ ҚЎЙИШНИНГ ИЛОЖИ ЙЎҚ. ФАҚАТ МЕЪЁРНИ УШЛАШ, ИМКОН БЎЛСА, БУ СЎЗЛАРИНИ ТИЛИМИЗДА ЖЎЯЛИ МУҚОБИЛИНИ ТОПИШ ЁКИ УЛАРИНИНГ ТАЛАФУЗИНИ ТИЛИМИЗ ТОВУШ ҚОНУНИЯТЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛ БЎЛАДИ.**

Ҳақ-хуқуқларимиз аниқ-тиник қафолатланган, мустақил давлатчилигимизнинг тузук-тартибдорлиги демократик тамойилларда белгилаб берилган Конституцияимизни баҳтимиз қомуси, деб биламиз, унинг қабул қилинган кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз. Давлатимизнинг бу муқаддас ва мухташам

**АМЕРИКА СОЦИОЛИНГВИСТЛАРИНИНГ ТАЖРИБА-ТАДҚИКОТЛАРИ ШУНИ КЎРСАДАДИКИ, АҲОЛИСИ ЎЗ ОНА ТИЛИНИ УНУТИБ, ИНГЛИЗЧА ГАПИРАДИГАН БЎЛИБ КЕТГАН ХУДУДЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИК ДАРАЖАСИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОРТИҚ.**

тимсоллари шу юрт фуқароларининг барчасини, миллатидан қатъи назар, бирлаштиради. Бу тимсоллар каторида давлат тили ҳам шу юрт фуқароларининг барчасини жиқлаштиради, яқдил ва яққалам қилади. 21 октябрь ана шундай муқаддас тимсоллардан бирини шарафлаш, унга астойдил эҳтиром изҳор этиш байрамидир. Бугун “Давлат тили ҳақида”ги қонун амалда. Мазкур ҳужжат ва Бош Қонунимизга мувофиқ, кўп миллатли мамлакатимизда шаклланди одил тил сибасати фуқароларимизнинг чексиз эътирофига сазовор. Ўзбек тилининг давлат тили экани бошқа миллат вакилларининг ўзаро мулоқотларида ўз она тилини қўллашдан иборат ҳуқуқларига асло моне-

лик қилмайди. Ўзбекистонда барча миллат ва элатларнинг тиллари, маданияту урф-одатларининг саломат сақланиши ҳамда ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Ўзбек тили эса, Ўзбекистоннинг муқаддас рамзларидан бири сифатида барча миллат вакиллари томонидан иштиёқ билан ўрганилмоқда.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, аввало, ўз она тилига хурмати бор одамгина бошқа тилга хурмат кўзи билан қарай билади, уни сидқидилдан ўргана олади. Ўз она тилини унуттиш эвазига ўрганиладиган тил чин одам боласига фойдадан кўра зарардир. Ўзбекистон фуқароси бўлган рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва бошқа миллатлар вакиллари ўз она тилини чуқур билмоғи шарт, шундагина уларнинг дунёқарошига муаллақлик мўраламайди. Бежиз эмаски, юртимизда таълим қардош тилларда ҳам олиб борилмоқда.

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВАТАНИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА ЎЗБЕКISTONДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН БАРЧА МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ИШТИЁҚ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА.**

Она тилисиз инсоннинг маънавий-руҳий илдизлари соғлом бўлмайди. Америка социолнгвистларининг тажриба-тадқиқотлари шуни кўрсатадики, аҳолиси ўз она тилини унуттиб, инглизча гапирадиган бўлиб кетган хуудларда жиноятчилик даражаси сезиларли даражада ортки. Бу ҳолат, албатта, она тилининг унутилиши туфайли этномаданий, миллий-руҳий илдизлардан узиниш, инсон онги ва сажжисидаги миллий-маданий, миллий-маънавий қадриятларнинг қадриятлини натижасида рўй берган.

Мамлакатимизда тилларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини тубдан оширишга қаратилган ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Она тили бўладими, хорижий тил бўладими, уларни ўқитилишида бош ва пировард мақсад ўқувчиларда тугал нутқий компетенцияни, раво ва гўзал нутқ қобилиятини шакллантириш, ривожлантиришга қаратилган. Бугун умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари учун дарсликларнинг тамомила янги авлоди яратилди. Мухими шундаки, бу дарсликлар бошқа тиллардаги дарсликлардан нусха олиш шаклида эмас, балки фаннинг моҳияти ҳамда ўзбек тили имкониятларидан қелиб чиққан ҳолда хозирланган. Она тили фанидан мактаб дарсликларидида ўзбек тилининг қонуниятлари ва ўзига хосликлари ҳолис, бошқа тил қобилиятларидан тамомила ҳоли, илмий-методик асосланган тарзда ўз аксини топган, албатта. Бу дарсликлар йилдан-йилга янада тақомиллаштириб борилмоқда. Айрим кишилар тилимизга четдан кириб келадиган сўзларга қерагидан ортки ғашлик билан қарайди ва ўзларини ўзбек тилининг соғлиги учун қурашчилар сифатида тақдим қилмоқчи бўлади. Бу унчалик ҳам адолатли ва илмий асосли қараш эмас. Ер юзидида мутлақо соф тил йўқ. Албатта, бир тил бошқасидан озикланади. Бу — табиий жараён. Айниқса, бугунги глобаллашув замонида дунёнинг у бурчида пайдо бўлган янги бир тушунча ёки нарсаси (техника, технология, илмий ғоя ва ҳоказо) дунёнинг нариги бурчида бир онда етиб келади. Бу тушунча ёки нарсаси яланғоч ҳолда эмас, албатта, кийими — сўзи (номи) билан кириб келади. Бундай “келувчи” сўзларга тилимиз эшикларини тамоман тамбалаб қў-

йишнинг иложи йўқ. Фақат меъёрни ушлаш, имкон бўлса, бу сўзларнинг тилимизда жўяли муқобилини топиш ёки уларнинг талаффузини тилимиз товуш қонуниятларига мослаштириш энг мақбул йўл бўлади. Қўллаб соҳаларга онд дугатлар, шунингдек, имло ва таржима лугатлари нашр этилмоқда. Нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўзбек тилига эътибор мунтазам ортапти. Халқимизнинг муқаддас тилсони бўлишдай улуг рутбага эришган ўзбек тилининг кўрку қамоли, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётимиздаги қонуний залвору салмоғи шу юрт фуқароларининг кўнглига ифтихор бахш этаётгани мутлақо табиий бир жараён.

## JARAYON Сардор БЕКЖОНОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида “Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ойлғи” ўтказилмоқда.

### 38 нафар ўқувчига ёрдам берилди



Иттифокнинг Жиззах вилояти кенгаши фаоллари Пахтакор туманидаги 2-, 7- ҳамда 15-умумтаълим мактабларида бўлиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этиш ҳамда даволат масалаларини ўрганди.

Таълим масканларидаги тўрақлар фаолиятида қатор қамчиллар кўзга ташланди. Ёшлар ташкилоти вакиллари уларни бартараф этиш юзасидан етакчиларга зарур тавсиялар берди.

Ўқувчиларнинг дарсга қелиш кўрсаткичлари ҳам анча паст. Маълум бўлишича, баъзилари мактаб формаси ва ўқув қуролларидан қийналиб қолган. Шу туфайли мактабга қелолмапти. Ёшлар иттифоқининг худудий кенгаши мазкур масаллада 38 нафар йитти-қизга ёрдам берди.



Қайд этиш керак, айни вақтда вилоятдаги 13 та туман ва шаҳар кенгаши қошида Етақчилар кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тузилмаларга аъзо жонқуяр ёшлар таълим масканларида “Ўқувчи рейдлари”ни ўтказиб, бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги муаммоларни мунтазам ўрганиб бормоқда.

## MULOHAZA

### Амалимиз беағимиз бўлсин!

Зебо МУРОДОВА

Кўзимни очсам, ҳамма ёқ ёп-ёруғ, аллақачон тонг отибди. Ухлаб қолибман-ку, дея шоша-пиша юз-қўлимни ювиб, айвонга чиқдим. Уйдагилар дастурхон атрофида чой ичиб ўтирибди. Аммо мени уйғотмиганимиз ғалати. Янгам ҳам кўринмайди. Одатда эрта сахардан кўча супуришга тушарди.

— Келиннинг бироз дам олсин, дея атай турғизмадим. Тиним билмай ишлади, бечора. Ахир, у ҳам биронинг жигарбанди, — деди ойим саволи нигоҳимни уқиб. Ис... Қулоқларимга ишонмайтман. Ойим шунақа деярми?! Қишда ҳам кўчага хар қуни сув септириб, “Ўлмаган бизнинг жонимиз экан-да”, — дея келинни қойийдиган онам-а?

Дадам мени янаям хайрон қолдирса бўладими. “Кизим, эртадан кўшимча дарсинга бор. Имтиҳон ҳазилакам нарсаси эмас. Яхшилаб тайёрлан. Юзимни ёруғ қилиб ўқишга киргин деймиз-да”, — деди синглимга. Тушимни, ўнгимми? Кечагина кизининг психология йўналишига ҳужжат топширишига қарши бўлиб, “Тоғанг ишлайдиган университетга кирасан. Ахир, қимсан, ректор бўлса... Ўзингни қийнаб репититорга қатнаб юрма”, — дея дегади-ку. Акам ҳам шу пайт дардини очди: “Дада, амакимнинг фирмасида ортки ишламоқчи эмасман. Ўзимга бошқа иш топдим. “Директорнинг жинни” деган таъналардан қарчадим”.

Тавба, оиламиздагиларга нима бўлган ўзи?! Ишга ҳам қеч қолдим. Шошилмасам бўлмайди. Эшиқдан чиқибди ойим қўлимга қиройли қоғозхалта тутқазди.

— Яна совға-саломми? Неча марта айтдим: бошлиғимга яхши кўриниш учун бундай пасткашликка

бормайман, деб. Лаганбардорликни ёқтирмайман! — дедим кизилиб.

— Қанақа лаганбардорлик? Бугун унинг туғилган қуни! — деди онам.

— Э, ха. Ёдимдан қўтарилибди. Яхшиям эслатдингиз. Раҳмат!

Раҳбарнинг “эрқатойи”га айланаб қолган ҳамқасбим ҳам бугун ўзгариб қолибди. Ёнимга қелиб: “Ҳаммамиз бирга қаттароқ совға олсак”, — деб тақлиф қилди. Хуло инсоф бераман, деса ажаб эмас экан. Барчамиз йиғилиб, бошлиққа “сюрприз” тайёрладик. Доим жиддий юрадиган раҳбаримизнинг чехраси очилди. Қулиб юрса, қандай файзли одамга айланарди-я? Қун ажойиб бошланди, илоё охиригача шундай бўлсин.

Кечки пайт уйга қайтаётиб автобустга чиқдим. Одам қўп, ўтиришга жой йўқ. Мен билан бирга ёши қатта аёл ҳам чиқди. Ёшлар: “Холажон, келинг, ўтиринг”, — дея жой берди. Мана, хурмат-иззатни жойига қўйса, бўларкан-ку. Бугун ҳамма ўнг ёни билан турган, шекилли, бир-бирига қиройли муносабатда бўлмоқда. Уларни яхши кўриб кетдим.

Хаёлга берилиб қолиб, беҳосдан қоқилиб кетдим. Чўчиб уйғондим. Кўзимни очсам, ҳали қоронғу. Туш кўрибман. Афсус, қанийди тушимнинг ўнгидан келса... Соғат қардим: тонг отишига ҳам анча бор...

## DOLZARB MAVZU

### ҚАЙТА ИШЛАСА ҲАМ фойдаси катта



Боборовшан ҒОЗИДИНОВ

Етти йиллик фиродан сўнг ғанимни энгиб мағрур қайтаётган Алпомиш Оксўв дарёдан йўл беришни талаб қилади. Шунда дарё янада кўпириб кетади. Алпомиш эса, табиат олдида ожизлигини англаб, дарёдан кечирим сўрайди. Шундан сўнг унинг суви қуриб, Ҳакимбекка йўл очилади.

Дарҳақиқат, аждодларимиз доим табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. Бу мавзу халқ оғзаки ижодига ҳам кўчган, шу йўсинда ёш авлоднинг экологик маданияти шакллантирилган. Афсуски, инсоният техник тарикқийёт ортидан қувгани сари она-табиатдан узилиб борапти. Табиатга беписанд муносабатимиз оқибатида қурран заминимиз, уммону дарёлар чикиндиларга тўлмоқда. Ҳатто чексиз қонотда ҳам чикинди бор. Айниқса, космик аппаратларнинг парчаланган қисмлари кўпайиб борапти.

Шулар ҳақида ўйлаганимда Ер сайёрасини “жонланган бўлими”да ётган беморга ўхшатаман. Йўқ, бу муболага эмас. Бир ёнда улкан заводлардан чиқаятган захарли тўтун, ифлосланган риляётган сув, хар қуни кеслаётган минглаб, эҳтимол, миллионлаб дарахларни, бир ёнда ҳисобсиз маиший чикиндиларни кўз олдингизга келтиринг. Шунда табиат оқибатсиз фарзандлар қилмишидан нечоғлиқ азият чекаётганини англайсиз.

Шубҳа йўқ, бугун маиший чикиндиларни йўқотиш глобал муаммога айланган. Ачи-



**Чикиндилар тупроқда чириб кетиши учун қанча вақт керак?**

Озик-овқат қолдиқлари — 10 кундан 1 ойгача  
Қоғоз — 1 йилдан 2 йилгача  
Ёғоч — 10 йилгача  
Темир банка — 10 йилгача  
Бетон, гишт — 100 йилгача  
Батарейкалар — 100 йилгача  
Автомобилларнинг балонлари — 100 йилгача  
Пластик — 100 йилдан ортки  
Полиэтилен пакетлар — 200 йил  
Алюмин идишлар — 500 йил  
Шиша — 1000 йил



хам ечим эмас. Энг мақбул йўли — қайта ишлаш!

Айни масаллада ривожланган давлатлардан ўрнат олсак арзийди. Ахир, хозирда уларнинг баъзилари 85 фоизгача чикиндисини қайта ишламоқда. Аслида бунинг ҳеч қандай мураккаб жойи йўқ. Устига-устак, бизда мазкур йўналиш анча даромадли бўла олиншига кўзимиз етади. Сабаби ҳомашё қерагидан ортки. Қолаверса, иккиламчи ишлаб чиқаришнинг бозори қачқон. Мухими, шу йўналишда бизнес юртимокчи бўлганлар учун ҳуқуқий асос яратилган. Бирок негадир тадбиркорларимиз фаол эмас. Айримлари фойда қўришга шубҳа билан қарамоқда.

Маълумотларга қараганда, Японияда резина буюмлари ва кабелнинг 34 фоизи, шунининг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи қайта ишланган чикиндилардан олинади. Хитойда эса, алюминий, темир, мисдан ясалган буюмларнинг 33 фоизи, жун, ипак ва чарм-атторлик махсулотларининг 34 фоизи шу йўл билан ишлаб чиқарилмоқда. Кўриниб турибдики, истак бўлса, ҳаммасини удаласи бўлади. Яна бир гап: чикиндиларни қайта ишлайдиган қорхоналари бунёд этилган худуд аҳолисининг экологик маданияти бирмунча юксалиди. Шундай дейишимизга асос бор.

Яқинда Сурхондарёдаги “Био Техно Есо” масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан Термиз шаҳрида биошоҳоба очилди. Унда турли чикиндилар чекланмаган микродора қабул қилинади. Полиэтилен, шиша, ёғоч, темир бўлақлари, қоғоз ва бошқаларни саралаб топширганларни ҳатто рағбатлантирилмоқда. Мазкур тажриба аллақачон ўз самарасини бера бошлаган. Демак, мамлакатимизда шундай қорхоналарни кўпайтириш айни муддао.



нарлиси, уларнинг миклори хар йили уч фоизга кўпаймоқда. Чикиндилар майдони кенгайган сари бошқа экологик муаммолар ҳам юзага келаятгани янада хавотирли.

Мамлакатимизда хар қуни 12-13,5 минг тонна чикинди ҳосил бўлади. Улар кўмилса ер ости сувлари захарланади ва юқумли касалликлар тарқалади. Ёқиб юбориш

YOSHLIK ILHOMI

# Andisha

Mohira RAHMONBERDIYEVA,  
Zafarobod tumanidagi  
8-umumta'lim maktabi o'quvchisi

**Kech kuzning erta tongi.  
Quyosh yoz bo'yi tinmay  
mehnat qilib horigan, shekilli,  
ili-miliq nur sochmoqda. Nozik  
maysalar kuzning yolg'onlariga  
aldanib, umid bilan ko'kka  
bo'yi cho'zmoqda. Bilmaydiki,  
ularni oldinda katta sinov —  
ayozli qish kutyapti.**

Nafaqat tabiat, balki odamzod ham bir soniyadan keyin nima bo'lishini bilmaydi. Biroq biz baribir harakatda.

Qalbimizning bir burchagida afsus-nadomat yellari esadi. Tirik jon uchun u yer sukunatga cho'mgan, o'lik jon uchun esa, dahshatlar makoni. Tashqarida murdalar sovuq nigohlari bilan nasihat qiladi, biroq bu dunyodan nasibasi uzilmagan banda ularni eshitmaydi, gapini uqmaydi.

Qishloqdan qabrston tomon yo'l olgan juvon o'timishning alamlari kunlarini eslab borardi. Yetti

yo't begonani deb onasini haqorat qilgani, shayton yo'lga kirib, mushtipari dori-darmon uchun yiqqan pullarni bir kunlik hoyu-havasi uchun sarflagani, hayotda baxt neligin anglolmagani uchun onasini aybdor, deb bilganini ko'z oldiga keltirdi-yu, yuragi uvushib ketdi.


Hech narsa javobsiz qolmas! Gumroh farzand uchun eng ayovsiz jazo to'rt yashar qizchasining beg'ubor nigohi, sho'x ovozi va shirin so'zlaridir. U vijdon azobida yonmoqda, vijdoni tinimsiz berayotgan savollarga javob topmoq ko'yida kuymalanmoqda...

Bugun onasining tug'ilgan kuni. Qabrston uning uchun visol maskani. Gunohkor farzand onasini yo'qlab shu yerga kelmoqda. Masofa tobora qisqarib borar ekan, oyoqlaridan quvvat ketib, vujudi qaltiraydi. Qo'lidagi bir dasta gul: "Endi kech", deyatogandek go'yo. Bir necha qadam narida kelayotgan qizi yo'l bo'yi gilam misoli to'shalgan xazonlarning shitir-shitir ovozigina mahliyo bo'lib, onasini savolga tutdi:

— O'yijon, siz meni nega yaxshi ko'rasiz? Nega meni "Vijdonim", deysiz?

— Kim biladi, balki aqlli qiz bo'lganini uchundir.

Ayol shu so'zlarni aytdi-yu, ammo qizalog'ining ikkinchi savoliga javob berishga botinilmadi. Ehtimol, shu go'dakdan ham andisha qilgandir.



# Kurashuvchanlik

(ertak-hikoya)

Charos NURILLAYEVA,  
Respublika yoshlar markazi Qoraqalpog'iston bo'linmasi "Yosh jurnalistlar" to'garagi a'zosi

Ikki kapalak guldand gulga qo'nib, betashvish uchib yurardi. Ular hayotning barcha shodliklaridan bahramand edi. Bir payt kapalaklar yovvoyi o'tlar orasida o'sib turgan va o'rgimchak to'ri bilan o'ralgan hushbo'y gulni ko'ribdi. Uning mazali sharbatidan birinchi bo'lib tatib ko'rish maqsadida kimo'zarga gul tomon oshiqibdi.

Afsuski, ikkovi ham ehtiyotsizlik oqibatida o'rgimchak to'riga ilinibdi. Qanotchalarini shiddat bilan qoqib, tutqunlikdan qutulishga harchand harakat qilmasin, uddasidan chiqmas emish.

Bundan quvongan o'rgimchak o'lja tomon harakatlana boshlabdi. Kapalaklardan biri ik-

kinchisiga qarab: "Hayotimiz baribir qisqa. Qachon va qanday o'lim topishning nima farqi bor? Kel, yaxshisi, qismatimizni mardlarcha qabul qilamiz", — debdi. Sherigi esa, taqdirga tan bergisi kelmay: "Hayotimning har lahzasini qadrlayman, boshimga qanday kulfat tushsa ham, so'nggi nafasimgacha kurashaman, aslo taslim bo'lmayman! Sen ham irdangni mustahkam qil, kuching borigacha qanotlaringni yozib, to'rni yorib chiqishga harakat qil!" — deya hamrohini ruhlantiribdi.

Birinchi kapalak yana pinagini buzmay, beparvolarcha so'z qotibdi: "E, qo'ysangchi, bari bekor. O'zingni qiynab nima qilasan?!" Ikki kapalakning suhbatini tinglab turgan o'rgimchak kurashishdan bo'yin tortgan kapalakni jonini olibdi-yu ikkinchisini qo'yib yuboribdi.

## O'QING, BU QIZIQ!



- ✓ XVII asrda Buyuk Britaniya-da qabul qilingan qonunga ko'ra, yomg'ir yog'ishi haqida yolg'on axborot bergan sinoptik qatl etilgan.
- ✓ Yer yuzida har 100 million kishidan bittasida yomg'irga algeriyasi bor. Yomg'ir suvi ularning terisini achishtirib, qichishtiradi.
- ✓ Kubada yomg'ir faqat tushdan keyin, Tailandda esa, tunda yog'adi.

## HIKMAT

Agar biz dunyoda tinchlik o'rnatishni istasak, ishini bolalar tarbiyasidan boshlashimiz zarur.

Mahatma GANDI

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB


— Yo'nalishsiz taksi xizmatini ko'rsatish kimlarga ruxsat etiladi?

Sanjar ALLABERGANOV  
Xiva shahri

Savolga huquqshunos Bahrom ILHOMJONOV javob beradi:

— Yo'lovchilar tashish uchun mo'ljallangan yo'nalishsiz taksilarni boshqarishga haydovchilik guvohnomasida "B" ruxsat belgisi bo'lgan, 21 yoshga to'lgan, tibbiy ko'rikdan o'tgan va kamida uch yillik haydovchilik stajiga ega shaxslarga ruxsat etiladi.

Ma'lumot uchun qayd etish kerakki, yo'nalishsiz taksilar uchun yagona tanish belgilari va ularning ishlarini tashkil etishga qo'yiladigan talablar to'g'risidagi nizomga muvofiq, "TAXI" belgisining tasviri va o'lchamlari quyidagi rasmdagidek bo'lishi shart.




Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi.

## ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT

**MAHR** — nikoh vaqtida kuyov tomonidan kelinga ajratiladigan doimiy va shaxsiy mulk. Mahr berish odati Qur'on asosida shariatda qonunlashtirilgan. Miqdori mahr beruvchining ijtimoiy ahvolidan kelib chiqqan holda ikki tomon roziligi bilan belgilangan. Ko'pincha mahr uchun bir uy, bir ayvon, unga barobar sahn bilan hovli, sog'in sigir va boshqalar berilar edi. Er vafot etgan yoki er-xotin ajrashgan holatda ushbu mol-mulk ayol uchun qaysidir darajada moddiy yordam bo'lib xizmat qilgan.

## SABOQ

# Baliqchi



Boy odam jazirama issiqda suvga qarmoq tashlab, baliq ovlayotgan odamni ko'rib, unga rahmi kelibdi. Yordam bermoqchi bo'lib:  
 — Senga pul beraman, qayiq sotib olgin, — debdi.  
 — Qayiqni nima qilaman? — hayron bo'libdi baliqchi:  
 — Qayiq bilan suvda suzib baliq ovlaysan, uni sotib puliga kema sotib olasan.  
 — Uni nima qilaman?  
 — Kema bilan uzoqlarga suzib borib, ko'proq baliq ovlab, pullaysan va daryo-

ning qirg'og'ida baliqni qayta ishlaydigan korxonaga qurasan.  
 — Uni nima qilaman?  
 — Korxonaga senga katta foyda keltiradi, tezda boyib ketasan. Shunda sevimli ishing bilan bemalol shug'ullana olasan.  
 Baliqchi boyning gapiga achchiqlanib:  
 — Bu men sevgan ish bo'lmay, nima sizningcha?! — deb javob bergan ekan.  
 Xulosa: har kimning yo'rig'i boshqa. Har kimning o'z ishi bor. Birov boylik, farog'at turmushni baxt, deb bilsa, boshqa biroq faqir hayot kechirib ham o'zini baxtiyor hisoblaydi.

(Abdulla Rustamovning "Hikmatli dunyo" kitobidan olindi).

<p><b>MUASSIS</b> O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan. Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich</p>	<p><b>TAHRIR HAY'ATI</b> Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")</p>	<p>Dizayner Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich Navbatchi Ma'mura Xo'jaqulova</p>	<p>"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. 1 belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.</p>	<p>Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-1036 Adadi — 11583 Oset usulida bosilgan</p>
---	--	---	--	---